# ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИНИНГ БАРҚАРОР ЎСИШИНИ ТАЪМИНЛАШ - УСТУВОР ВАЗИФА

(Боши 1-бетда)

Масаланинг иккинчи томони шундан иборатки, иқтисодиёт ривожи ва унинг таркибига кирувчи барча соҳа ва ишлаб чиқариш тармоқлари, аввало, жамиятнинг пировард мақсад ва вазифаларига эришишга қаратилиши даркор. Ўз-ўзидан аёнки, ислоҳотлар ва ривожланиш жараёнини таъминлаш ягона мақсад эмас. Саноатни фақат саноатнинг ўзи учун ривожлантириб бўлмайди.

Биз бу ўзгаришлар натижасида мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти, миллий даромади қанчалик ўсишини, уларнинг барчаси даромадларнинг ва охир-оқибатда аҳоли фаровонлигининг ошишига нечоғли таъсир кўрсатишини олдиндан аниқлаб олишимиз шарт.

Ҳаммамизга аён бўлиши керакки, иқтисодиётимизнинг бундай ривожини ташкил қилишда ва белгиланган пировард натижаларга эришиш учун, барча номутаносибликлар ва инқироз жараёнларига йўл қўймаслик учун, аввало, маълум макроиқтисодий принципларга, монетар сиёсатнинг зарур ва муҳим қонуниятларига қатъий амал қилиш даркор.

Бозор иқтисодиёти ривожи бугунги кунда айнан мана шу қонун ва қоидаларга бўйсунади. Шу нуқтаи назардан қараганда, барча банк ва молия тизимлари, истиқболни белгиловчи турли иқтисодий марказлар ва биринчи галда Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг фаолияти асосий макроиқтисодий мутаносибликлар ва параметрларни сақлаш ва бажаришга қаратилиши лозим. Уларнинг ўзаро мутаносиб бўлишига эришиш асосидагина барқарор ва изчил ривожланишни таъминлаш мумкин.

Бу ҳақиқатни барчамиз чуқур англаб олишимиз даркор.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Юқорида билдирилган фикрларга якун ясаб айтмоқчиманки, улар, биринчи марта айтилаётган кашфиёт ёки янгилик эмас, балки иқтисодий жиҳатдан юксак ривожланган мамлакатларнинг барчаси амал қилиб яшаётган ҳаётий ҳақиқатдир.

Шу маънода сизнинг эътиборингизни бугунги кунда кўпчиликнинг онгига ўрнашиб қолган бир фикрга қаратмоқчиман.

Бу гап аввало, бир томондан, бозор иқтисодиётига кўр-кўрона сиғинадиган, иккинчи томондан, бозор иқтисодиёти ҳақида фақат китоблару мақолалардан, аксарият ҳолларда эса эшитганлари асосида тасаввурга эга бўлган одамларга тегишлидир.

Уларнинг фикрича, узоқ ва давомли режаларни, прогнозлар ва макроиқтисодий балансларни тузмасдан, устувор ва стратегик йўналишларни аниқлаб олмасдан, бу стратегияга ҳар бир мамлакат иқтисодиёти ривожининг фалсафасини бўйсундирмасдан гўёки бозор иқтисодиёти ўзидан ўзи ривож топиши мумкин эмиш.

Ваҳоланки, жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси бунинг аксини кўрсатмоқда.

Бунда асосий масала, балки, ҳамма гап танлаган стратегияни қандай усуллар ва йўллар билан амалга оширишдадир.

Собиқ совет даврида, марказдан режалаштириладиган тизим пайтида бу жараёнлар давлатнинг ишлаб чиқариш мулки ва воситаларига яккаҳукмронлиги, маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланиб, марказдан режалаштириш йўли билан, белгиланган кўрсаткичларни тасдиқлаш, иқтисодиётни юқоридан бериладиган кўрсатмаларга тўла бўйсундириш, хўжалик субъектларига ҳеч қандай эркинлик қолдирмаслик асосида бошқарилар эди.

Ўша замондаги давлат план комитети ҳам, давлат таъминот комитети ва шунга ўхшаш бошқа тақсимот идоралари ҳам ана шу яроқсиз тизимнинг яққол кўринишлари эди.

Ҳар қандай қабул қилинган стратегияни хусусий мулк асосий ўрин тутадиган кўпукладли иқтисодиётга таяниб амалга ошириш эса - бутунлай бошқа масала. Чунки бундай стратегия, биринчи галда, мутлақо янги бозор институти ва тузилмаларига асосланиб бошқарув усулларини шакллантириш, эҳтиёж ва таклифларнинг мутаносиблигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти учун зарур эркинликларни кафолатлаш, хўжалик юритувчи субъектлар ташаббускорлигини рағбатлантириш, рақобат муҳитини вужудга келтириш орқали амалга оширилади.

Шунга мувофиқ равишда иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи марказий идоралар, авваламбор, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлигининг роли, энг муҳими, иш усули тубдан ўзгариши керак, эски услуб, эски қарашлардан бутунлай воз кечиш даркор.

Шу муносабат билан оддий бир савол туғилади: Умумиқтисодиёт комплекси бугунги кунда ўз вазифаларини қандай бажариб келмоқда?

Юқорида зикр этилган талаб ва янги принципларга тўлиқ риоя қилинмоқдами, йўқми?

Ўтган давр мобайнида иқтисодиётни ислоҳ қилиш борасида амалга оширилган ишларни инкор этмаган ҳолда, фаолиятимизнинг бу соҳасидаги ишларнинг аҳволини қайта-қайта танқидий баҳолашимиз зарур. Ва ниҳоят, эртага ўз ишимизни қай тарзда, қандай методологик-услубий ва ташкилий тамойиллар асосида ташкил этишимизни ҳам белгилаб олишимиз даркор.

Бу масалаларга ўтишдан олдин мен бир мисол келтирмоқчиман.

2000 йилга мўлжалланган нефть, газ конденсати ва табиий газ қазиб олиш ҳамда қайта ишлаш кўрсаткичларини ишлаб чиқиш пайтида бир салбий ҳолат бизни катта ташвишга солди. Бунга сабаб, анча вақтдан буён суюқ углеводородлар, яъни нефть, конденсат ва газ қазиб чиқариш ҳажми уларни саноат асосида қайта ишлаш суръатларидан ортда қолаётгани аниқланди.

Ўйлайманки, биз бу ҳолнинг олдини олиш юзасидан ўз вақтида тегишли чоралар кўрмасак, келажакда у қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини тушунтириб ўтиришга ҳожат бўлмаса керак. Бу кетишда биз яқин йилларда нефтни қайта ишлаш ва кимё саноати учун зарур бўлган хомашё тақчиллигига, иқтисодиёт ва аҳолини ёқилғи ва бошқа турдаги нефть маҳсулотлари билан таъминлаш муаммосига дуч келишимиз муқаррар.

Бу эса, табиийки, ўз навбатида иқтисодий тараққиётимизга тўсиқ бўлиб, ёқилғи билан таъминлашда эришган мустақиллигимизни йўққа чиқариб, турли кутилмаган иқтисодий ва сиёсий оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлигини ўзимизга тасаввур қилишимиз қийин эмас.

Шу сабабли бугунги кунда нефть ва табиий газ захираларини излаб топиш бўйича геология-қидирув ишларини кенгайтиришнинг махсус дастури ва тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилиб, қабул қилинди. «Ўзбекнефтгаз» холдинг компанияси таркибига ўзгартиришлар киритилди, бу соҳага хорижий инвестицияларни жалб этиш учун қўшимча рағбатлантириш ва имтиёзлар тизими яратилди ва бу борада кескин чоралар кўрилмоқда.

Шуни айтиш керакки, бугун қабул қилинаётган чора-тадбирлар эртага эмас, балки камида 2003-2005 йилларга бориб ўз самарасини бериши мумкин. Бошқача айтганда, муаммони олдиндан кўриб, ҳисоб-китобини қилиб, ўз вақтида уни ечадиган чораларни кўрмасак, эртага вақтни бой бериб қўйишимиз турган гап.

Бундай мисоллар кўплаб топилади. Бугун юртимизда демографик жараёнлар қандай кечаётгани, унинг ўсиш суръати, яқин келажакда бизни бу борада қандай муаммо кутаётгани, меҳнатга лаёқатли одамлар сони қанчага кўпайиши, улар иш билан қандай таъминланиши ҳақида ким нима дея олади? Ҳозирданоқ меҳнатга лаёқатли аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш масаласи ўткир муаммо бўлиб турибди.

Ўзингиз ўйланг, бугун аҳвол шундай бўлса, хўш, эртага нима бўлади? Ёки нафақахўрларнинг сони қанчага кўпаяди, уларни ижтимоий таъминлаш, уларга муносиб ҳаёт шароити яратиб бериш учун қанча маблағ керак бўлади?

Бу ва шунга ўхшаш бошқа кўплаб саволларга жавоб борми? Биз фақат бир ҳаётий муаммони мисол қилиб келтирдик. Афсуски, бугунги кунда ҳали аниқ ва равшан жавоби топилмаган яна қанча масалалар бор.

Ёки бошқа бир мисол: аҳолининг истеъмол бюджети, бошқача айтганда, даромад ва буромадлари билан боғлиқ аҳвол қандай? Бу бюджет ўзи қандай аниқланади, нима ҳисобига шаклланади, кейинги вақтда унинг таркибида қандай ўзгаришлар юз бермоқда?

Ёки ниҳоятда муҳим бўлган яна бир масалани олайлик. Эртага биз тез суръатлар билан ўсиб бораётган аҳолимизни ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш муаммосини қандай ҳал қиламиз?

Мен ўз-ўзимга шундай бир савол бераман: мавжуд номутаносибликларни очиб бериш, ҳукуматга юзага келган муаммолар ҳақида ўз вақтида ахборот етказиш, уларни ечиш бўйича аниқ, ҳар томонлама асосланган таклифларни ишлаб чиқиш ва киритиш Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, иқтисодий масалалар билан шуғулланувчи бошқа идоралар, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг асосий вазифаси эмасми? Улар бу ишни тегишли тармоқ идоралари ва тузилмалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширмаса, ким амалга оширади?

Бугун биз Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг вазифалари ва масъулияти ҳақида гапирар эканмиз, биринчи навбатда, уларнинг иш мақсадларини бир ёқадан бош чиқариб, аниқлаб бериш, бир-бирига мувофиқлаштириш, улар фаолиятини ягона вазифа - иқтисодиётни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини амалга оширишга қаратишдан бошлашимиз керак.

Афсуски, бугунги кунда биз уларнинг фаолиятида ягона иқтисодий сиёсатни биргаликда ҳаётга жорий этишни эмас, балки тарқоқлик, ҳар бир вазирликнинг идоравий манфаатлари устунлик қилиши каби ҳолатни кўрамиз.

Юқорида айтилган фикрлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, якуний макроиқтисодий мутаносиблик ва параметрларнинг таҳлили, салбий жараёнлар ва уларнинг кўринишларини аниқлаб олиш зарур. Ана шу таҳлил, мавжуд салоҳият ва имкониятларни аниқ баҳолаш, прогноз ва истиқболга мўлжалланган амалий тавсиялар ишлаб чиқиш Комплекс фаолиятида бош омил бўлиши даркор.

Иккинчидан, аввало, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги ва Марказий банк ўртасида мамлакат ривожланишининг макроиқтисодий кўрсаткичлари, иқтисодиётдаги товар ва пул-маблағлар оқими, қатъий пул-кредит сиёсатини амалга ошириш ишлари билан инфляция даражаси, пул массасининг ҳажми ва валюта курси кўрсаткичларининг ўзаро боғлиқлигини мувофиқлаштириш талаб даражасида йўлга қўйилмаган.

Ҳолбуки, бу масалалар иқтисодий ва молиявий барқарорликни сақлаш ва мустаҳкамлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

Учинчидан, бугунги кунда инвестиция дастурлари, биринчи галда, барпо этилиши мўлжалланаётган иншоотлар рўйхатига асосланган ҳолда тузилмоқда.

Афсуски, инвестиция дастурлари ҳануз иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга оширишга кучли таъсир этадиган, биз мамлакатимиз иқтисодиётининг етакчи соҳалари деб атайдиган устувор тармоқларнинг жадал суръатлар билан ривожланишини таъминлайдиган асосий омилга айлангани йўқ.

Натижада, очиқ тан олиш керакки, инвестиция дастурларини жорий этиш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш ишлари биз учун ўта долзарб бўлган масала иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар билан узвий боғланмаган, бу ўзгаришларни ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Содда қилиб айтганда, биз хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича кўплаб лойиҳаларни амалга оширяпмиз, аммо бу инвестициялар иқтисодиётимиздаги ижобий таркибий ўзгаришлар, бу соҳада кўзда тутилган мақсад ва манфаатлар билан етарли даражада боғланмаяпти.

Тўртинчидан, шуни қайд этиш лозимки, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги фаолиятида иқтисодиёт ва унинг айрим тармоқлари бўйича ривожланиш истиқболларини асослашда, номутаносибликни аниқлашда мувофиқлаштирувчи баланс усулларининг ўрни ва аҳамияти инкор этиб келинмоқда.

Бу борадаги яна бир жиддий камчилик шундан иборатки, Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар ишида иқтисодиётнинг ривожланиш стратегиясини асослашда муҳим омил бўлган умумий молиявий баланс, тўлов баланси, миллий ҳисобот тизими ва бошқа баланслардан етарлича фойдаланилмаяпти.

Бешинчидан, тан олиш керакки, биз банк тузилмалари, авваламбор, Марказий банк, Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва тижорат банкларимиз томонидан улар хизмат кўрсатадиган идора ва уюшмалар, корпорация ва компаниялар, корхоналар фаолияти устидан молиявий назорат олиб борилишига етарлича аҳамият бермаяпмиз.

Биз бу назоратни ҳалиҳануз тегишли даражага кўтаришга эриша олганимиз йўқ.

Гап бу ўринда, аввало, банк тизими томонидан хўжалик юритувчи субъектларга маркетинг бўйича, яъни бозорни ўрганиш тижорат, шартномавий ва тўлов операциялари бўйича кўрсатиладиган малакали ёрдам ва назорат хусусида бормоқда. Бунда мазкур субъектлар учун манфаатли бўлмаган, самарасиз қарорлар қабул қилинишига йўл қўймаслик айниқса зарур.

Гап банклар томонидан бериладиган эксперт баҳолари, манфаатли лойиҳа ечимларини амалга оширишда истиқболли ҳамкорларни излаб топиш хусусида кетяпти.

Олтинчидан, самарали таркибий структура сиёсатини амалга ошириш ва экспортга йўналтирилган устувор ишлаб чиқариш соҳаларини рағбатлантиришда бозор иқтисодиётига хос бўлган омил ва механизмлар, иқтисодий рағбат ва имтиёзлар ҳалиҳануз асосий воситага айланганн йўқ.

Энг асосийси, Умумиқтисодиёт комплекси фаолиятида биз иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва мутаносиб равишда барқарор ривожлантиришдан иборат бўлган муҳим ва устувор вазифаларни ҳал этишдек ягона мақсадга бўйсундирилган, бир-бири билан узвий боғланган яхлит ташкилий тизимни, афсуски, кўрмаяпмиз.

Мен кейинги йилларда Умумиқтисодиёт комплекси томонидан вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ишлаб чиқилган, йирик ижтимоий-иқтисодий масалаларни ечиш, бу борадаги ҳуқуқий-қонунчилик базасини шакллантириш, ислоҳотларни чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштиришга қаратилган бирон-бир таклиф ва тавсия билдирилганини эслай олмайман.

Комплекс томонидан ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва ислоҳотларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар чорак якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар кўпроқ расмий, номигагина бўлиб, уларда вазирликлар ва идоралар фаолиятига принципиал баҳо берилмайди.

Умумиқтисодиёт комплекси ишига танқидий баҳо берар эканмиз, унинг фаолияти Вазирлар Маҳкамасининг бошқа комплекслари, вазирликлар ва идоралар, авваламбор, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги, Давлат мулк қўмитаси, Давлат божхона қўмитаси билан етарли даражада мувофиқлаштирилмасдан, уларнинг иш фаолияти билан бевосита узвий боғланмаган ҳолда олиб борилаётганини айтиб ўтиш лозим.

Буларнинг барчаси иқтисодиётни бошқаришнинг ҳозирги тизими, унинг шакл ва услубларини тубдан ўзгартиришни тақозо этмоқда. Фақатгина бир кунлик, тезда ҳал қилиниши керак бўлган жорий масалалар билангина ишлаш мумкин эмас.

Биз тараққиётимизнинг истиқболи ва стратегиясини ўзимизга аниқ-равшан англашимиз, тасаввур қилишимиз, вазирликлар ва идораларни барқарор иқтисодий ўсишни таъминлайдиган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этишимиз лозим.

Ва бу борада қабул қилинган иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларини амалга оширишда, уларнинг самарадорлигини таъминлашда асосий жавобгар, асосий куч айнан Умумиқтисодиёт комплекси бўлмоғи керак.

Комплекснинг бош вазифаси - иқтисодиётни бундан буён ҳам ислоҳ қилиш стратегиясини, унинг барқарор ривожланиш тамойилларини асослаб бериш, иқтисодий сиёсатни амалга оширишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишдан иборат.

Комплекс иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг устувор мақсадлари ҳамда мамлакатимиз олдида турган стратегик вазифалардан келиб чиққан ҳолда ўз иш фаолиятини самарали, узвий ва аниқ мақсадга йўналтиришга қаратилган амалий дастурга эга бўлиши зарур.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, барча йиғилиш қатнашчиларига иқтисодиёт соҳасида яқин келажакдаги устувор йўналишларимиз - вазифаларимиз нимадан иборат эканини яна бир бор эслатиб ўтмоқчиман:

аввало, макроиқтисодий барқарорлик ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлаш;

иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни изчиллик билан амалга ошириш;

кўпукладли иқтисодиётни шакллантириш ва унда хусусий мулкнинг етакчи ўрин эгаллашини таъминлаш;

ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш ва валюта бозорини босқичма-босқич эркинлаштириб бориш;

бозор ва ишлаб чиқариш инфратузилмаси, ижтимоий инфратузилмаларни ўзида мужассам этган замонавий ва яхлит тизимни вужудга келтириш;

демографик прогнозларнинг амалга ошириш жараёнини назорат қилиш ва меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлашга қаратилган изчил сиёсат юритиш, меҳнат бозорини шакллантириш;

халқ моддий фаровонлигининг барқарор ва узлуксиз ўсишини таъминлаш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш.

Бу устувор вазифаларни амалга ошириш учун ўтган йил декабрь ойида махсус тадбирлар Дастури қабул қилинган эди. Бу дастур иқтисодий йўналишдаги вазирлик ва идораларнинг, бутун Умумиқтисодиёт комплексининг амалий фаолият дастури бўлмоғи даркор.

Комплекс таркибига кирадиган ҳар бир вазирлик ва идоранинг манфаатлари мазкур Дастурда акс эттирилган мақсад ва вазифаларга тўла бўйсундирилиши лозим.

Комплекс таркибига кирадиган ҳар қайси вазирлик ва идоранинг мазкур тадбирлар Дастурида кўрсатилган Умумиқтисодиёт комплекси олдида турган умумий вазифаларни бажаришга қўшган ҳиссасига қараб, ана шу иқтисодий тузилмалар фаолиятининг самарадорлигига, раҳбарларнинг бошқариш қобилиятига баҳо берилади.

Тадбирлар Дастурида Умумиқтисодиёт комплекси олдида турган мақсад ва вазифаларни амалга оширишнинг механизми ҳамда Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг бу борадаги жавобгарлиги батафсил белгилаб берилган.

Юқорида айтиб ўтилган умумиқтисодий вазифаларни амалга оширишда қуйидаги муҳим дастурларни бажариш бизнинг диққат марказимизда бўлиши лозим:

Биринчидан, ёқилғи-энергетика комплексининг барқарор ривожланишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. Бу тармоққа хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда, захираларнинг барқарор ва етарли тарзда кўпайиб боришини таъминлайдиган нефть ва газ манбаларини разведка қилишга, қидириб топиш ва ўзлаштириш мақсадида чет эл сармояларини йўналтириш ғоят муҳим аҳамият касб этади.

Иккинчидан, қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислоҳотларни изчил давом эттириш ва унинг барқарор ривожланишини таъминлаш бундан буён ҳам ғоят муҳим масала бўлиб қолади. Қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфини шакллантириш, ер ва сув ресурсларидан оқилона ва мутаносиб равишда фойдаланиш - бу борадаги фаолиятимизнинг асоси бўлмоғи даркор.

Учинчидан, коммуникация тизимини - транспорт, инженерлик ва телекомуникацияларни жадал суръатлар билан ривожлантириш.

Бугунги кунда миллий информация тизимини шакллантириш жараёнида Интернет ва бошқа глобал ахборот тизимларидан кенг фойдаланиш, айниқса, муҳим аҳамиятга эга.

Бунга эришиш XXI асрда мамлакат тараққиёти учун ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Тўртинчидан, Умумиқтисодиёт комплекси экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни рағбатлантириш асосида мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ривожлантириш ҳамда импортни рационал асосда ташкил этиш, ташқи савдо ва тўлов балансларини такомиллаштириш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни ташқи бозорга чиқариш тизими ва ташқи савдо инфратузилмасининг самарадорлигини ошириш бўйича дастурлар мажмуини ишлаб чиқиши керак.

Биз ички бозоримизга валюта маблағлари оқимини кенгайтириш, биржадан ташқари валюта бозорининг тез суръатлар билан ривожланиши учун энг қулай шарт-шароитларни яратишимиз зарур.

Бешинчидан, Умумиқтисодиёт комплекси бошқа тузилмалар билан ҳамкорликда кичик ва ўрта бизнесни жадал ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида, унинг ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улушини кескин ошириш бўйича ягона тизимни шакллантириши керак. Биз бу вазифага ҳозирги босқичда олдимизда турган энг асосий стратегик масалалардан бири деб қарашимиз даркор.

Мен бугунги кунда Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идоралар олдида турган масъулиятли вазифаларнинг ҳаммасини тўлиқ санаб ўтмадим.

Тасдиқланган тадбирлар Дастуридан ўрин олган бу ва бошқа вазифаларни аниқ мақсадга йўналтирилган ва уйғун ҳолда амалга ошириш учун Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги қошида Бирлашган ҳайъат тузишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

Мазкур ҳайъатга нафақат Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг раҳбарлари, балки бу соҳадаги энг етакчи ва билимдон мутахассислар ҳам кириши керак.

Бирлашган ҳайъат, авваламбор, иқтисодиётни ислоҳ этиш ҳамда иқтисодий ўсишнинг долзарб муаммолари муҳокама этиладиган ва уларни ҳал қилишнинг самарали усуллари бамаслаҳат ишлаб чиқиладиган Комплекснинг ўзига хос илмий-амалий маркази бўлиши лозим.

Шу билан бирга, Бирлашган ҳайъат иқтисодиётни ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича Комплекс таркибига кирадиган вазирлик ва идораларга юклатилган устувор вазифа ва мақсадларнинг амалга оширилишини мунтазам ва қатъий назорат қиладиган амалий механизм, кучли омилга айланиши даркор.

Муҳтарам мажлис иштирокчилари!

Мамлакатимиз, Ўзбекистон халқи бутун дунё аҳли билан бирга янги асрга қадам қўйди. Бу бизнинг зиммамизга, нафақат бугунги авлод, балки келгуси авлод олдида ҳам алоҳида масъулият юклайди.

Бизнинг қандай давлат барпо этишимиз, унинг нечоғли мустақил, қудратли ва фаровон бўлиши, аввало, ўзимизга, ҳар биримизга ишониб топширилган вазифани қай даражада сидқидилдан, ҳалол адо этишимизга боғлиқ.

Биз бугун орттирган тажрибамизга таяниб, қўлга киритган ютуқларимизни танқидий баҳолаган ҳолда, демократик ўзгаришлар, давлат қурилиши, иқтисодий салоҳиятимизни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида изчил боришимизни давом эттиришимиз зарур.

Шуни мамнуният билан айтишим керакки, биз жамият ҳаётининг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларини эркинлаштириш бўйича яқин беш йилликка мўлжалланган аниқ дастурга эгамиз. Бу дастур Олий Мажлиснинг иккинчи чақириқ биринчи сессиясида муҳокама этилиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 2 июндаги «Жамиятнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳаларида ислоҳотларни эркинлаштириш ва чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлигини таъминлаш бўйича Дастурни амалга ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган.

Азиз дўстлар!

Олдимизда масъулиятли ва мураккаб вазифалар турибди. Халқимизнинг келажаги, мамлакатимиз истиқболи ана шу улуғвор вазифаларни нечоғли муваффақият билан адо этишимизга боғлиқ.

Умумиқтисодиёт комплекси таркибига кирадиган вазирлик ва идораларнинг барча раҳбарлари ва ходимлари ўз зиммаларидаги ана шу масъулиятни теран ҳис этадилар ва бу йўлда куч-ғайратларини асло аямайдилар, деб ишонаман.

Мана шундай эзгу ишда барчангизга омад ёр бўлсин!

## ҒАНИ АЪЗАМОВ



Ўзбек маданияти ва санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон халқ артисти, Ҳамза номидаги Давлат мукофотининг лауреати, ўзбек миллий театр санъатининг йирик намояндаларидан бири, халқимизнинг ардоқли театр ва кино актёри, жонкуяр устоз Ғани Аъзамов 92 ёшида вафот этди.

Ғани Аъзамов 1909 йили Тошкент шаҳрида таваллуд топди. Ижодий фаолиятини 1930 йилда Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик театрида бошлади ва умрининг охиригача бу табаррук санъат даргоҳида баракали ижод қилиб, ғоят сермазмун ҳаёт йўлини босиб ўтди.

Санъаткорнинг етмиш йиллик ижодий фаолияти давомида театр ва кинода ўйнаган Раҳим ямоқчи, ("Ҳалима" мусиқали драмаси), Мамарасул ("Қалтис ҳазил"), Домла имом ("Бой ила хизматчи"), Мунажжим ("Алишер Навоий"), Али сартарош ("Мафтунингман" фильми), Қамбар ("Қутлуғ қон"), Қорашоҳ ("Икки дил достони") каби кўплаб роллари миллий санъатимиз хазинасини безаган бетакрор образлар сифатида эътироф этилган. Бу образлар ўзининг чуқур миллийлиги, ҳаётийлиги, қаҳрамонларнинг ички кечинмалари ва ҳис-туйғуларининг ранг-баранглиги билан мухлислар олқишига сазовор бўлган.

Ғани Аъзамовнинг «Олтин девор" спектаклида яратган Мўмин образи актёрга улкан шуҳрат келтирди. Ўн йиллаб узлуксиз ижро этилган бу асарнинг саҳнадаги муваффақияти бош рол ижрочисининг бетакрор маҳорати билан бевосита боғлиқдир.

Ғани Аъзамовнинг халқ орасида олиб борган сермаҳсул жамоатчилик фаолияти ҳам кўпчилик учун ибрат намунасидир. Табаррук ёшдаги устоз кўп йиллар давомида маҳалла оқсоқоли сифатида фаолият кўрсатиб, маҳалланинг жамиятимиздаги мавқеини кўтаришга, ёшларни миллий қадриятларимиз руҳида тарбиялашга катта ҳисса қўшди.

Ғани Аъзамовнинг миллий маданиятимиз равнақи йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. Санъаткор «Ўзбекистон халқ артисти" унвони, Давлат мукофоти ва «Дўстлик" орденига сазовор бўлган.

Улкан истеъдод эгаси, олижаноб инсон Ғани Аъзамовнинг ёрқин хотираси халқимиз қалбида абадий сақланиб қолади.

**И.КАРИМОВ, Э.ХАЛИЛОВ, Ў.СУЛТОНОВ, Ҳ.КАРОМАТОВ, А.МЕЛИБОЕВ, Х.ЖЎРАЕВ, А.ОРИПОВ, Т.ЮНУСОВ, Ш.ЖАЛИЛОВ, М.АБДУҚУНДУЗОВ, З.МУҲАММАДЖОНОВ, Ё.АҲМЕДОВ**

## МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЁТГАН САРҲАД



***Жўшқин Амударё соҳилидаги чор бурчак майдончада денгизчи аскарлар саф тортиб турибди. Ҳарбий либослари ўзларига ярашиқ, бўйбастлари келишган, алп йигитлар навбатдаги жанговор топшириқни бажаришга шай. Командир буйруғи ўқилгач, давлатимиз мадҳияси янграйди. Жанговор катерларга чаққонлик билан чиққан денгизчилар Амударё бўйлаб Ватан сарҳадларини қўриқлаш учун йўл олади.***

- Мамлакатимиздаги денгизчиларнинг ягона ҳарбий бўлинмасидаги барча тантанавор лаҳзалар шу майдонда бўлади. Ёш денгизчи-чегарачилар шу ерда ҳарбий қасамёд қабул қилади. Шу ердан Ватан сарҳадларини қўриқлаш учун жўнайди. Навбатдаги жанговор топшириқни бажариш олдидан зобитлар, аскарлар шу ерда саф тортади. Бу анъана ҳеч қачон бузилмайди,- дейди 3-ранг капитани Муродилла Абдулхаев.

Чегарачи-денгизчилар 14 январ - Ватан ҳимоячилари кунини муносиб кутиб олишмоқда. Улар замонавий ҳарбий техникани, ўт очиш қуролларини ишлатишни пухта ўзлаштириб олган. Жанговор ва жисмоний тайёргарлиги юксак даражада.

**14 ЯНВАР - ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ**

Денгизчилар хизматдан бўш вақтларини мазмунли ва мароқли ўтказиши учун барча шароит яратилган. Спорт майдончалари, бой кутубхона, қишки ва ёзги клуб, теннис корти, шифохона, ўқув маркази - буларнинг ҳаммаси жангчиларнинг маънавий дунёсини бойитиш, соғлиғини сақлаш, жисмоний чиниқишига хизмат қилади.

Бу ерда тез-тез қизиқарли учрашув, концерт ва бошқа тадбирлар ўтказиб турилибди. Сурхондарё вилоят ва Термиз шаҳри «Нуроний» жамғармаси ташаббуси билан фахрийлар, санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан учрашувлар ўтказилмоқда. Ватан ҳимоячилари кунини ҳам, одатдагидек, жанговар постда сергак ва ҳушёрлик билан, хизматдан бўш йигитлар эса байрам соатларини мазмунли ва мароқли ўтказиш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда.

## «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИНГ ДУРДОНАЛАРИ»

***Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ватанимиз мустақиллигининг шонли ўн йиллигини муносиб кутиб олиш учун кенг кўламдаги тадбирларни режалаштирди.***

Шулардан бири ўлкамизнинг қадимий ва бой тарихга эга эканлигини жаҳон оммасига яна бир бор намойиш этиш, энг муҳими, тарихимизни ёшларимиз онгига сингдириш мақсадида «Ўзбекистон халқининг дурдоналари» мавзуида туркум кўргазмалар ташкил этишдан иборат. Бу кўргазмалар олти йўналиш бўйича Темурийлар тарихи давлат музейида бўлиб ўтади.

Юртимиз тарихи ва ўтмишини ўрганишга бағишланган ушбу кўргазмалар февралда бошланиб, ой сари янгиланиб туради. Мустақиллигимиз ўн йиллиги байрами арафасида эса ялпи кўргазма ташкил этилади. Музейга келувчилар бу ерда инсоният тарихининг илк даври, ижтимоий ҳаётнинг босқичлари билан танишадилар. Қадимги аждодларимизнинг турмуш тарзи билан боғлиқ жараёнлар археологик қазишма маълумотлари осори-атиқалари асосида ўз аксини топади. Бу кўргазма матнлар, археологик ашёлар, тадқиқотлар олиб борган олимлар, улар яратган илмий ишлар ва бошқа маълумотлар билан бойитилади.

Қадимги ёзув ва қўлёзмалар кўргазмасида илк бор ёзувга бўлган эҳтиёж, ёзув унсурларини, кейинчалик маълум ҳарфлар асосида ёзувнинг пайдо бўлиши, антик даврдаги ёзув турлари қадимги қўлёзмаларда ифодаланади. Нумизматика кўргазмасида савдонинг пайдо бўлиши ва пулга бўлган эҳтиёж, давлатчилигимиз тарихида пулнинг тутган ўрни акс этади. Пул ўрнида ишлатилган қадимки ашёлар, савдо ва пул муомаласи борасидаги ўзгаришлар, қадимда зарб этилган мис, кумуш, олтин тангалар ва бошқа ашёвий ҳамда ёзма манбалар ёшларимизда катта таассурот қолдириши шубҳасиз.

Шунингдек, томошабинлар инсоният тарихидаги илк диний тасаввурларнинг вужудга келиши, Ўзбекистон ҳудудида пайдо бўлган динлар, дин билан боғлиқ меъморий, маънавий, маданий ва моддий ёдгорликлар билан ҳам танишадилар. Кулолчилик, шишасозлик, мисгарлик, ёғочсозлик, тош йўниш каби санъатлар инсоният томонидан жуда қадим замонлардаёқ яратилганига гувоҳ бўладилар. Инсоният ҳаётининг ажралмас қисми бўлган тақинчоқлар, либослар, гиламларнинг қадимийлиги эса матн, ашёвий далил ва фотосуратлар асосида ёритилади.

**(ЎзА)**

## ЭЛ КОРИДА БОР ОДАМ

(Боши 1-бетда)

Қишлоқ фуқаролар йиғинида "Ўзингни, ўз уйингни ўзинг асра!" деган шиорга қатъий амал қилинаётир. Қишлоқларда осойишталикни сақлаш борасида ибратли ишлар қилинмоқда. 4 та маҳалла фуқаролар йиғинида 28 нафар маҳалла посбонлари фаолият кўрсатаётир. Улар бегона кишилар келиб-кетишларини доимий назорат остига олишган. Ҳар ҳафтанинг душанба куни посбонлар сардорлари маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари билан қишлоқ фуқаролар йиғини идорасида тўпланиб, осойишталикни таъминлаш борасида амалга оширилган ишларни биргаликда таҳлил қилдилар ва келгусида бажарилиши лозим бўлган ишларни режалаштириб олдилар.

"Соғлом онадан соғлом фарзанд туғилади" деган шиорни иш фаолиятининг асосий мезони деб билган фуқаролар йиғини раиси Ғойибназар Овулов никоҳдан ўтиш учун ариза топширган бўлажак келин-куёвга "Оила ва никоҳ" марказига бориб ўз соғлиқларини текширтиришлари учун йўлланма беради. Туман марказий шифохонасига қарашли марказда ишлаётган мутахассислар йигит ва қизнинг саломатликларини обдон текширадилар, оила қуришга нечоғлик даражада тайёр эканликлари, улар ўртасидаги никоҳ мақбул ёки номақбуллиги юзасидан ўз хулосаларини баён этадилар. Марказ хулосаси асосида 37 келин-куёв никоҳдан ўтказилди.

-Қишлоқларимиз тобора ободонлашиб бормоқда, - дейди Ғойибназар Овулов. – Абдубий ва "Шеркўрғон" қишлоқларида гузарлар ташкил этилган. "Сўзоқ" ва "Оқ олтин"да ҳам ана шундай гузарлар барпо этишни режалаштириб қўйганмиз. "Олтин водий" ширкат хўжалиги ва Амир Темур номли жамоа хўжалиги ҳудудида 7 та сартарошхона, 9 та савдо, 5 та гўшт дўконлари қишлоқ аҳли хизматида. 2 та қишлоқ врачлик амбулаторияси, 5 та тиббий марказ, "Тез тиббий ёрдам" маркази, "Шеркўрғон" қишлоғида 60 ўринли шифохона мавжуд. Шунингдек, 8 та кутубхона ҳам фаолият кўрсатаётир.

-Дарҳақиқат, Ғойибназар ака билан баҳамжиҳат, бамаслаҳат ишлаш бизга муаммоларни ҳамкорликда ҳал қилишда жуда қўл келаяпти, - дейди Амир Темур номли жамоа хўжалиги бошқарувчи раиси Иброҳимжон Маҳкамов. – Тўғрисини айтсам, эл корига ярашдек шарафли ва машаққатли вазифани бекаму кўст бажаришда Ғойибназар аканинг тажрибалари биз учун жуда зарур.

Ҳақиқатан ҳам шундай.

**Юсуфжон УСМОНОВ,**
**Шаҳрихон тумани.**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИ – ТАШАББУСКОРЛИККА БОҒЛИҚ

(Боши 1-бетда)

Айниқса, мамлакатимиз иқтисодиётида, уни молиялаштиришда қишлоқ хўжалиги муҳим ва етакчи ўринни эгаллайди.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотлар натижасида бу соҳада анчагина ижобий ўзгаришларга эришилмоқда. Ўтган даврда қишлоқда мулкдорлар синфига асос солинди. Бошқарув механизмлари ҳам тубдан ислоҳ қилинди. Бугунги кунга келиб, жамоа хўжаликларининг 1711 таси ширкат хўжалиги сифатида қайта ташкил этилди. Фермер хўжаликларининг сони эса 42,2 мингтадан ошиб кетди. Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалиги тармоғида ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизи, мамлакат валюта тушумининг 55, товар алмашинувининг 70 ва аҳоли учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг 90 фоизи шаклланмоқда.



Семинардаги маърузачилар ва тингловчилар фикри умумлаштирилганда қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар қуйидаги йўналишларда олиб борилаётгани маълум бўлди.

Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, қишлоқда кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш, шунингдек, маҳсулот етиштирувчиларнинг тадбиркорлик фаолиятига иқтисодий эркинлик бериш, қишлоқда мулкдорлар синфини шакллантириш ҳамда мулкчиликнинг ва хўжалик юритишнинг муқобил шаклларини вужудга келтириш.

Шу билан бирга қишлоқ хўжалик корхоналарини ширкат хўжаликларига айлантириш ва уларнинг ички механизмларини такомиллаштириш, фермер хўжаликларини ташкил этиш ва уларга кўрсатилаётган сервис хизматлари даражасини ошириш, шахсий ёрдамчи хўжаликларни, деҳқон хўжаликларига ўтказиш билан боғлиқ бўлган жараёнларда ҳали кўплаб камчиликлар борлиги ва уларни бартараф этиш йўллари анжуман иштирокчилари томонидан атрофлича муҳокама қилинди.

Айниқса, аграр соҳадаги ислоҳотлар замини ҳисобланган "Ер кодекси", "Қишлоқ хўжалиги кооперативлари (ширкат хўжаликлари) тўғрисида"ги, "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги, "Деҳқон хўжаликлари тўғрисида"ги қонунларни ва меъёрий ҳужжатларни амалиётга жорий этишда туман ва хўжалик раҳбарлари бу қонунлар ва тегишли ҳужжатларнинг мазмунини тўлиқ тушуниб етмаслиги ва бозор иқтисодиёти тамойилларини яхши билмаслик ва профессионал малакага эга эмаслик каби салбий ҳолатлар қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган ислоҳотларга тўсиқ бўлмоқда.

Анжуманда агросаноат мажмуида иқтисодиётни эркинлаштириш, ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, қишлоқда мулкчилик ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда мулкдорлар синфини шакллантириш мавзуларида ўтказилган суҳбатлар баҳс ва мунозараларга бой бўлди.

Бугунги кунда республикамизда фермер хўжаликларининг сони 42,2 мингтадан ошиб кетди, уларга 862,1 минг гектар ер майдони ажратиб берилди. Фермер хўжаликларида ишловчилар сони ҳозирги вақтда 287,5 минг кишига етди, қайта рўйхатга олинган 1,8 миллион деҳқон хўжаликларининг 6,7 мингтаси юридик шахс мақомини олди. Лекин фермер хўжаликларининг тайёрловчи, таъминотчи ва хизмат қилувчи ташкилотлар билан бўлаётган муносабатлари ҳали аниқ бир изга тушолмаётир. Бу эса бевосита қишлоқда кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантиришга тўсиқ бўлаётир. Анжуманда бу ҳақда ҳам фикр-мулоҳазалар юритилди.

Шунингдек, семинарда қишлоқда мулкчилик ва шартномавий муносабатларни такомиллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришга доир қонунларни ҳаётга татбиқ этиш, қишлоқ хўжалигида фан-техника янгиликлари, илғор агротехнология ва сервис хизмати кўрсатиш тизимини ривожлантириш, ишлаб чиқарувчилар манфаатларини таъминлаш каби мавзулар тингловчиларнинг бу соҳадаги билимларини оширишга ёрдам берди.

Биз бир нечта семинар-мулоқот иштирокчиларига аграр соҳада иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устивор йўналишлари нималардан иборатлиги ҳақидаги савол билан мурожаат қилдик.

**Абдусалом Раҳмонов, Қоракўл тумани ҳокими:**

- Ҳозирги вақтда аграр соҳани изчил ислоҳ қилиш учун зарур бўлган ҳуқуқий ва ташкилий шарт-шароитлар яратилган. Лекин тармоқда расмиятчилик ва тўрачилик, хўжакўрсинга ишлаш ва кўзбўямачилик ҳоллари кўп. Бу салбий ҳолатлар ислоҳотларнинг изчил ривожланишига жиддий тўсиқ бўлаётир.

Айниқса, соҳа ходимларининг кўпчилигида ҳуқуқий билимнинг етишмаслиги оқибатида қилган меҳнатидан тўлиқ манфаатдор бўлолмаётир. Шунингдек, тармоққа тегишли қонунларни ҳаётга татбиқ этиш жараёнида бу қусур яққол кўзга ташланиб қолаётир.

Масалан, хўжаликнинг ички шартномаларини оладиган бўлсак, шартномалар тузишда деҳқон хўжаликлари, пудратчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш, ширкат хўжаликлари раислари уларга нисбатан устун бўлишга ҳаракат қилиши кўзга ташланади.

Менинг фикримча, аграр соҳа билан боғлиқ банк тизимида ҳам баъзи бир камчиликлар бор. Қишлоқ хўжалигига берилаётган бўнак пулларининг транш орқали юборилиши ва бунинг натижасида айрим вақтларда фойдаланилмай ётган маблағларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

**Рустам Турдиев, Ховос тумани ҳокими:**

– Аграр соҳада ҳозирги хўжалик юритишнинг бошқарув механизмидаги номукаммаллик уларнинг ҳали ҳам эскича иш юритишида кўриниб турибди.

Масалан, ҳали ҳам хўжаликларда бригадир, бўлим бошлиғи, звено бошлиғи каби лавозимлар сақланиб турибди. Лекин булар заруриятдан эмас, узоқ вақт шу тизимда бўлганлиги учун ушлаб турилибди.

Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилаётир. Лекин ҳали тўлиқ кутилган натижаларга эришганимиз йўқ. Қачонки мулк эгалари тегишли моддий ва маънавий манфаатдорлик кўрсалар шундагина биз ижобий ютуққа эришдик десак бўлади. Лекин бугунги кунда хўжалик раҳбарлари, пудратчилар ва фермерларнинг ҳуқуқий билимлари саёз бўлганлиги туфайли бу соҳада салбий кўрсаткичларга дуч келмоқдамиз. Шунинг учун улар орасида тарғибот ва ташвиқот ишларини кучайтиришимиз ва амалий ёрдамни аямаслигимиз керак.

Шунингдек, давлат мулкчилигига асосланган, эски, ўзини оқламаган муносабатлар ўрнига хўжалик юритишнинг барча бўғинларида ижара мулкчилигини жорий қилиш лозим. Энг асосийси, меҳнатга бўлган рағбатни бутунлай ва тубдан янгилаш зарур.

**Ойбек Ашурматов, Янгиобод тумани ҳокими:**

– Аграр соҳани ислоҳ қилишда ҳуқуқий, ташкилий асослар яратилган. Лекин амалий шарт-шароитлар масаласида хўжаликларнинг кўпчилиги инқирозга юз тутганлиги сабабли, яъни кредитор қарзлар ва дебиторлари кескин ошиб кетганлиги – иқтисодий таназзулдан чиқиб кетмаслигига сабаб бўлаётир.

Қишлоқ хўжалигида хўжалик юритишнинг механизмини шакллантиришда кўпроқ хўжалик аъзоларининг иштирокини таъминлаш зарур. Шунда бошқарувда ошкоралик таъминланади.

Шунингдек, қишлоқ хўжалигида ўтказилаётган иқтисодий ислоҳотларнинг тезроқ ижобий самарасини кўриш учун қишлоқ тадбиркорларига молиявий ёрдам бериш хусусан, кичик ва имтиёзли кредитлар ажратиш тизимини яратиш керак.

Бир меъёрда ишлашимизга яна бир тўсиқ бор. Яъни текширишлар. Эндиликда текширишлар сонини янада камайтириш вақти келди. Баъзи назорат органлари ўз ваколат ва ҳуқуқларини суиистеъмол қилиб, қонунга зид равишда корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашмоқдалар.

**Каримжон Астанов, Муборак тумани ҳокими:**

– Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотлар қишлоқ ҳаётида рўй бераётган жараёнлар, айниқса, мулкчилик масалалари қонунчилик нуқтаи назаридан қатъий ҳал этилганига қарамасдан ҳали кўнгилдагидек ўз ривожини топмаётир. Кўп нарсалар қоғозда қолиб кетмоқда.

Энг аввало, деҳқонлар тафаккурида ҳақиқий хўжайинлик, ўз ерига ва етиштирган маҳсулотига эгалик туйғусини шакллантириш керак.

**Абдумалик Абдусаидов, Ғаллаорол тумани ҳокими:**

– Бугунги кунда аграр соҳадаги иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш ва уларни изчил амалга ошириш мамлакатимиз истиқболини белгиловчи асосий омиллардан бири бўлиб турибди. Ана шу мақсадда ҳукуматимиз томонидан қаратилаётган диққат-эътибор, жорий этилаётган қарор ва қонунлар бу борада етарлича шарт-шароитлар яратилаётганидан далолат беради. Шубҳасиз давлат миқёсидаги ушбу саъй-ҳаракатларнинг ижобий натижалари мазкур қонун ва қарорларнинг амалдаги ижроси мисолида яққол кўзга ташланади. Биргина бизнинг туманда давр талабларидан келиб чиққан ҳолда 14 та хўжаликнинг 12 таси ширкат хўжаликларига айлантирилди.

Бироқ ислоҳотларни бекаму кўст амалга оширишда баъзи бир муаммолар тўсқинлик қилаётгани сир эмас. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг эркин фаолият юритишида мутасадди ташкилотларнинг ноқонуний аралашуви, тадбиркорларга кредит беришдаги айрим тушунмовчилик ва чалкашликлар, кишиларимизда ҳуқуқий саводхонлик даражасининг у қадар юқори эмаслиги ана шундай муаммоларни келтириб чиқармоқда. Шунингдек, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича ҳудудий комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасидаги масъулиятни янада ошириш зарур. Комиссиялар таркибига қатъиятли, уддабурон, ўз соҳаси бўйича чуқур билим ва тажрибага эга бўлган мутахассислар жалб этилиши лозим.

Энг асосийси хўжалик юритишнинг бошқарув механизмидаги нуқсонларни тезроқ бартараф этишимиз, эскича бошқарув шаклидан ва унинг ҳар хил унсурларидан воз кечишимиз, давр талабларидан келиб чиққан ҳолда иш юритишнинг замонавий, айни пайтда самарали усулларини жорий этишимиз даркор. Шундагина аграр соҳадаги ислоҳотларни амалга оширишда ижобий натижаларга эришишимиз, мустақил Ватанимизнинг аграр хўжалигини ривожлантиришга ўзимизнинг салмоқли улушимизни қўшишимиз мумкин.

**Шавкат Исҳоқов, Пастдарғом тумани ҳокими:**

– Мамлакатимизда аграр соҳани ислоҳ қилиш ва уни ривожлантириш учун етарлича шарт-шароитлар мавжуд. Бироқ, айрим раҳбарларнинг сусткашлиги, манфаатпарастлиги, лаёқатсизлиги мазкур ислоҳотларни тўлақонли амалга оширишда тўсқинлик қилаётир. Шунингдек, молиявий етишмовчиликлар ҳам ишнинг жадаллашувига ҳалақит бераётир. Шу билан биргаликда аграр соҳанинг асосий бўғини ҳисобланмиш хўжалик юритувчи субъектлар эркинлигини ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш мақсадида ҳуқуқ-тартибот органлари иштирокини жонлантириш, мазкур субъектларнинг фаолиятига четдан ноқонуний аралашувларга чек қўйилиши керак.

Ислоҳотларни жадаллаштириш ҳудудий комиссиялар фаолиятини ҳам тубдан яхшилашни тақозо қилади. Шу мақсадда ушбу комиссиялар таркибига етук мутахассис кадрларни киритиш ва улар учун барча шарт-шароитлар яратиб бериш талаб этилади. Ўз навбатида ҳудудий комиссия аъзолари ўз вазифаларига масъулият билан ёндашишлари, ҳукумат қарорларини жорий этишда сусткашлик ва эътиборсизликка йўл қўймасликлари шарт.

Мустақиллик шарофати билан мулкчилик шаклларининг ўзгартирилиши аграр соҳада ҳам ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Хусусийлаштириш жараёнида кишиларимизнинг мулкка, меҳнатга бўлган муносабатлари тубдан ўзгариб бормоқда. Мулк ўз эгасининг қўлига бориб тегсагина ҳам эгаси учун, ҳам жамият учун манфаат келтиради. Зеро, амалга оширилиши лозим бўлган ислоҳотларнинг туб моҳияти ҳам ана шундан иборат.

**Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, унинг бошқарув тизимини эркинлаштириш, ишлаб чиқарувчилар манфаатдорлигини таъминлаш, қишлоқ меҳнаткашларининг эркин ва мустақил меҳнат қилишлари учун зарур бўлган барча шарт-шароитни яратиб бериш авваламбор раҳбарларнинг бош вазифасидир.**

**Ўтказилган мулоқот-анжуман тингловчиларга уларнинг асосий вазифалари нималардан иборат эканлигини эслатиб қўйиш билан бирга юзага келган муаммоларни ҳар тарафлама ва чуқур муҳокама қилиш учун имкон ҳам яратди. Келажакда амалга ошириладиган ишлар учун йўриқ бўлди.**

**Абдураззоқ КАРИМОВ,**
**"Қишлоқ ҳаёти"нинг махсус мухбири.**

СУРАТЛАРДА: анжумандан лавҳалар.
Б.АКРАМОВ олган суратлар.

# ЯНГИ УСЛУБ: АФЗАЛЛИГИ НИМАДА?

(Боши 1-бетда)

Шунинг ҳисобига меҳнат ва сув сарфи кўпаяр эди, кўчат сийрак бўлиб, ҳосилдорлик паст бўлар эди.

**-Янгича усулнинг яна бошқа афзалликлари ҳам борми?**

-Бор. Чигит оддий усулда экилганда ниҳолнинг атрофидаги тупроқни юмшатиш зарур. Бунинг учун кўпинча чопиқ қилинади, бунда бир томондан тупроқ юмшатилса, иккинчи томондан, бегона ўтлар йўқотилади. Плёнка эса мана шу икки вазифани бирваракайига бажаради. Аввало, бегона ўтларнинг ўсишига йўл қўймайди, сўнгра ғўза ниҳоли илдизи атрофидаги тупроқни юмшоқ ва нам ҳолатда ушлаб қолади. Ғўза қатор оралари культиваторлар воситасида юмшатиб турилади. Бу технологияда туп сони оддий технологияга нисбатан 30-35 фоиз кўп бўлади. Албатта, биз катта майдонга плёнка тортиб чиққанимиздан кейин, шу сатҳнинг ҳар қарич еридан самарали фойдаланишимиз керак. Бўш қолган уялар бўлишига йўл қўймаслик, ердан, сувдан, маъданли ва маҳаллий ўғитлардан нафли ва тўлиқ фойдаланишимиз шарт. Сув сарфи оддий усулга нисбатан 30-35 фоиз кам бўлишини илмий тажрибалар исботлаб берди. Суғориш бўйича ҳам илмий тавсиялар бор. Лекин, шунга эътибор бериш керакки, ортиқча сув бериш ёки сувни пайкалда узоқ вақт ушлаб туриш ғўзанинг ғовлаб кетиши ва ҳосилнинг пасайиши хавфини туғдиради.

Янги технологияда ғўзани маъданли ўғитлар билан озиқлантириш бўйича ҳам махсус маслаҳатлар ишлаб чиқилган. Аммо, бир нарсага эътибор беришимиз, маъданли ўғитларни анъанавий удумга нисбатан 30-40 фоиз кўпроқ, бериш муддати эса 20-25 кун илгари тугалланиши зарур. Албатта, буларга шунчаки тавсиялар эмас, балки, ҳосилнинг юқори ва эртанги бўлишини кафолатловчи тадбирлар деб қараш керак.

Яна бир муҳим жиҳатга эътибор бериш зарур. Бу ғўзанинг ўсиши ва ривожланишини кимёвий препаратлар билан бошқариб боришдан иборатдир. Бошқача қилиб айтганда, ғўзанинг илдизи ривожини тезлатиш ва устки қисмининг ортиқча ўсиб кетишига йўл қўймасликдир. Бунга "Соже-ан" ва ПИКС препаратларини сепиш билан эришилади. Бу тадбирни эламаслик ғўзанинг ортиқча ўсиб кетиши, ҳосилнинг кечки бўлишига олиб келиши мумкин. Кўпчилик ҳолларда шундай ҳам бўлмоқда. Биз юқорида плёнка остида пахта етиштиришда оддий усулга нисбатан туп сони 30-35 фоиз кўп бўлишини айтган эдик. Бу туп сони бир қаторда 130-140 минг тупни, қўшқатор қилиб экилганда эса ғўзанинг туп сони бир гектарда 175-180 минг дона бўлиши керак. Бу эса анъанавий усулда экилган далалардагига нисбатан кўчат сонининг қўшқаторда 50-60 минг, якка қаторда эса 35-40 мингтага кўп бўлишини кўрсатади.

Демак, ғўза қалинроқ жойлашган, ёруғлик ва иссиқликдан фойдаланиш имкониятлари камроқ. Шунинг учун ғўзанинг ўсиши тезлашиб, қалинлашиб қолади. Бу эса ўз навбатида ҳосил тугунчаларининг ташлаб юборилишига, ҳосилдорликнинг паст бўлишига олиб келади. Бунга йўл қўймаслик учун ғўза ўсишини бошқариб бориш керак. "Соже-ан" ва ПИКС препаратлари баайни ана шу вазифани бажарадилар.

Маълумки, ғўзанинг ғовлаб кетишига йўл қўймаслик ва ҳосилнинг эртанги бўлиши учун ғўза чеканка қилинади. Чеканка қўл билан, машиналар ёрдамида ёҳуд кимёвий усулда ўтказилади. Чилпиш механизация билан ўтказилганда ғўзанинг 1-2, баъзи ҳолларда ундан ҳам кўп ҳосил шохи кесилиши мумкин.Кимёвий усулга ҳали яхши ўргана олмаяпмиз. Бизнинг фикримизча, кимёвий усулга тўлиқ ўтиш вақти келди. "Соже-ан" ва ПИКС кимёвий препаратларини ишлатганда эса чеканкага ҳожат қолмайди.

**-Уруғ экиш, ниҳоллар парвариши, ҳосилни териб олишда ғўза қатор оралиғи масаласи ҳам жуда муҳим. Бу ҳақдаги фикрларингиз?**

-Бу ерда нозик нуқталар мавжуд. Чигитни пленка остига якка қатор ёки қўшқатор қилиб экиш мумкин. Қўшқатор қилиб экилганда пахтани машинада териш имконияти пасаяди. Якка қатор қилиб экилганда оралиқнинг қандай бўлиши муҳимдир.Оралиқ 60 см бўлганда "Кейс-2022" русумли пахта териш машинасини ишлатиш қийинлашади. Шунинг учун якка қатор оралиғи 90 см бўлиши тавсия этилади. Шу аснода суҳбатимиздаги бир иборага, яъни ердан ва плёнкадан самарали фойдаланиш масаласига алоҳида урғу бермоқчиман.Қўшқаторда якка қаторга нисбатан кўчат сони кўпроқ бўлишини айтдик. Бу эса бир хил шароитда ҳосилдорликнинг 20-25 фоиз кўп бўлишини таъминлайди. Қўшқатор қилиб экилганда ҳам "Кейс-2022" машинасини ишлатиш имконияти бўлиши учун қатор оралиғи ўзгарувчан 40 см ва 80 см бўлган схема тавсия қилинади. Бу услуб бир неча йил давомида амалда синаб кўрилган ва оддий технологияда ҳам яхши натижа берган. Қатор оралиғи 40 см бўлган жойларда чигит плёнка остига қўшқатор қилиб экилади, қатор оралиғи 80 см бўлган ерларда эса тракторларнинг ғилдираги юради. Шунинг ҳисобига шиналари кенг бўлган "ТТЗ-100", "МТЗ-80" русумли тракторларни ҳам самарали ишлатиш мумкин бўлади.

Бугунги кунда чигитни плёнка остига экишнинг қатор бошқа усуллари ҳам синовдан ўтказилмоқда. Жумладан, Хоразм вилоятида кузда олиб қўйилган пуштанинг ичига – 20-25 см чуқурликда чигит экилиб, устидан плёнка тортилади. Ғўза 3-4 та чинбарг чиқаргандан кейин плёнка йиғиб олинади. Ёғингарчилик кўп бўлган ёки апрел ойида ҳаво ҳарорати пасайиб кетган тақдирда ҳам бу усул ғўза ниҳолларини сақлаб қолишда яхши натижа бериши шубҳасиздир.

Шунингдек, олимларимиз томонидан қуёш нурида ўзи парчаланиб кетадиган плёнка остига чигит экиш услуби ҳам тажриба қилиб кўрилмоқда. Бу борадаги қийинчилик шундай плёнкаларни ишлаб чиқариш технологиясининг қимматлигига бориб тақалмоқда.

Чигитни плёнка остига экиш технологиясини қўллар эканмиз, масалани атроф муҳитга, тупроққа таъсири – экологик томонга ҳам эътибор беришимиз шарт. Ҳар бир яхши ишнинг икки жиҳати бор, дегандек, ер плёнка қолдиқларидан тозалаб турилмаса, келгуси йил экиладиган экинларга унинг салбий таъсири бўлади. Шунинг учун ҳам плёнкани йиғиштириб олишни май ойининг охирлари ёҳуд июн бошларида ўтказиш яхши натижа беради. Чунки, бу даврда ниҳол танаси ва барглари юмшоқ бўлганлиги учун плёнкаларни йиғиштириб олиш енгил кўчади.

Плёнкани август ойларида йиғиштириб олиш ёки ҳосил териб олинганидан сўнг йиғиштириб олинадиган бўлса, бу меҳнат сарфиётининг кўпайишига ва ерни плёнкадан яхши тозаланмаслигига олиб келиши мумкин. Ерни шудгор қилишда плёнка зинҳор-базинҳор тупроқнинг пастки қатламига кўмиб юборилмаслиги керак. Чунки бунда плёнка қолдиғи ўсимлик илдизининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатади, ҳатто, экин туп сонининг камайиб кетишига ва умуман тупроқда биологик жараённинг мўътадил ўтишига ҳалақит беради.

**-Ҳар бир ишга қўл уришдан олдин унинг оқибати, пировард самараси ҳақида ўйланади. Акс ҳолда...**

-Янги технологиянинг иқтисодий самарадорлиги ҳақида гап юритар эканмиз, бу кўрсаткични хўжалик, фермер ёҳуд мамлакат миқёсида ҳисобласак тўғри бўлади. Аввало, бу услубнинг хўжалик миқёсидаги афзалликлари нималардан иборат? Биринчидан, чигит экишнинг эрта ўтказилиши ҳисобига экишолди агротехник тадбирларининг кузда ўтказиб қўйилиши ва шу ҳисобдан эрта баҳорда нам тупроқнинг ортиқча зичланишига йўл қўймаслик. Иккинчидан, ҳосилнинг эртанги бўлиши ҳисобига асосий қисми юқори саноат навларига баланд баҳо билан сотилиши ва даромаднинг кўп бўлиши. Учинчидан, қўл кучи кўпроқ талаб қилинадиган қатор агротехник тадбирлар сонининг камайиши. Тўртинчидан, сув ва ёнилғи-мойлаш воситалари сарфининг камайиши, ғўза вегетация даврида тупроқнинг ортиқча зичланишининг олдини олиш. Ва ниҳоят, бешинчидан, ердан ғоят унумли фойдаланишдир. Камчиликларни ҳам санаб ўтайлик: биринчидан, моддий харажатнинг кўпайиши (сеялканинг амортизация қиймати, плёнка нархи, кимёвий воситаларнинг баҳоси). Иккинчидан, оддий технологияга нисбатан мураккаблиги. Учинчидан, пайкаллардан плёнкалар қолдиқларини йиғиштириб олишнинг мушкуллиги.

Бу ерда иқтисодий кўрсаткичда бир гектар майдонга қилинган ортиқча сарф-харажат қўшимча олинаётган ҳосил билан ўзини қоплайдими, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, қоплайди. Бунинг учун анъанавий услубга нисбатан ҳосилдорлик камида 10 центнер юқори бўлиши керак. Ҳисоб-китобларга қараганда ўшанда ҳосилдорлик 45-50 центнерни ташкил қилади, рентабеллик 30 фоиздан ортади. Демак, меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.

Биз халқ хўжалиги миқёсидаги иқтисодий самарадорликка келадиган бўлсак, аввало, пахта толасининг сифати ошиши муносабати билан унинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлилиги ортади. Олимларимизнинг сарҳисобига қараганда, мамлакатимиз минтақалари бўйича 500 минг гектар ерда чигитни пленка остига экиб, ўртача 45-50 центнердан зиёд ҳосил олиш мумкин. Шундай бўлганда, бу майдонлардан 2,2-2,5 миллион тонна "оқ олтин" хирмони кўтариш мумкин. Қолган 900 минг гектар ердан ҳам оддий технологиядан кам ҳосил олинмайди. Бу эса мамлакат пахтачилигини доимий, давомли равишда самарали тараққий эттириш имконини беради. Иккинчидан, ҳосилдорликни ошириш ҳисобига маълум бир майдонларни пахтачиликдан бошқа соҳаларга ажратиш, илмий асосланган алмашлаб экишни жорий қилиш, чорвачилик ва сабзавот маҳсулотларини кўпайтириш захиралари очилади. Пировардида, пахтакорнинг аниқ даромади ошади. Шунингдек, пахта териминнинг об-ҳаво яхши кунларда - қисқа муддатларда тугалланиши ҳисобига қишлоқ меҳнаткашларининг кундалик шароитлари ҳам юқори савияга кўтарилади.

Истиқбол аниқ. 2001 йилда мамлакатимиз бўйича 218 минг гектар майдонда чигитнинг плёнка остига экилиши мўлжалланмоқда. Яқинда Андижонда бўлиб ўтган кўргазмали семинар-кенгаш баайни ана шу масалага бағишланди. Турли вилоятлардан келган анжуман иштирокчилари йўл қўйилган хато ва камчиликларни келгуси йилда такрорламаслик устида келишиб олдилар. Жойларда олиб борилаётган тайёргарлик ишлари пахтачилигимиз ривожига самарали таъсир қилади, деган умиддамиз. Иншооллоҳ, шундай бўлсин.

**-Ташаккур. Айтганингиз келсин!..**

**Суҳбатдош:**
**Раҳимберди УМАРОВ.**

(Давоми. Боши газетанинг ўтган сонида).

ИЗЛАНИШ

## СУВ КАМ-У... БАЛИҚ КЎП

***Хоразмда ягона ҳисобланган "Хоразмбалиқ маҳсулотлари" ҳиссадорлик жамиятига қарашли кўлларнинг бир қисмини, яъни – 1500 гектарини сунъий сув ҳавзалари ташкил этади.***

**Бу ҳавзалар Янгиариқ тумани ҳудудида жойлашган бўлиб, жамиятнинг асосий таянч базасини ташкил қилади. Шунингдек, Қўшкўпир, Хива, Боғот, Ҳазорасп туманлари ҳудудларидаги салкам ўн беш минг гектарлик табиий сув ҳавзалари – кўлларда ҳам балиқ боқилаётир.**

**Бу йил улар минг тонна балиқ етиштиришни режалаштирган эдилар. Ўн бир ойда 750 тоннага яқин балиқ тайёрланди. Ана шунинг 660 тоннаси сунъий ҳавзалардан овланди.**

**Балиқнинг 250 тоннаси Мўйноқ консерва заводига топширилди. Бунинг эвазига заводдан шартнома асосида турли балиқ консервалари олиниб, улар пешма-пеш мактаб, боғча ва шифохоналарга етказиб берилмоқда. Тирик балиқларнинг бир қисми эса аҳолига арзон нархларда сотилаётир.**

**Воҳада сув камчил бўлган жорий йилда ҳам бу соҳада қолоқлик кузатилмади. Бир қатор ҳавзаларда сув сатҳи кескин пасайди. Ҳатто қуриб қолган кўллар бўлди. Шундай вазиятда ҳам тинимсиз меҳнати туфайли балиқларнинг асосий қисмини сақлаб қолишга эришилди.**

**Бу тармоқда муаммолар ҳам бор. Масалан, Мўйноқ консерва заводига балиқ етказиб бериш учун 400 километр масофани босиб ўтиш керак. Тўғри, йўл харажатларини қоплашни завод ўз зиммасига олган. Барибир, бу ҳолатда ҳам тайёрланаётган балиқ маҳсулотларининг таннархи кескин ошиб кетиши турган гап.**

**Воҳани иқтисодий ривожлантириш борасидаги ҳукумат дастурига мос ҳиссадорлар ҳам ўз дастурларини ишлаб чиқишган. Шунга кўра россиялик ишбилармонлар қиймати 400 минг АҚШ долларига тенг бўлган мини завод қуриб беришни ўз зиммасига олишди. Келишувга асосан ҳужжатлар тайёрланиб, ташқи иқтисодий банкка тақдим қилинди. Агарда мини завод қуриб битказилса, йилига 4 миллион дона шартли банка консерва тайёрлаш мумкин.**

**Воҳалик балиқчилар қиш даврида ҳам ҳавзалардаги балиқларни овлаш билан бир қаторда, сув ҳавзаларини чуқурлаштириш, кўлларни тозалаш, майда балиқларни кўпайтириш каби юмушлар билан машғуллар.**

**Холмурод ҚУРБОНОВ.**

ЯХШИ ХАБАР

## ГАЗЧИЛАР АҲДИДА ТУРИШДИ

***Термиз шаҳри ва Термиз тумани аҳолиси катта қулайликка эга бўлди.***

**1998-2000 йилларда аҳолини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш дастурига кўра бошланган 68 километрлик газ қувури қурилишининг дастлабки босқичи янги аср бўсағасида охирига етказилди.**

**"Ўзгазузатиш" акциядорлик компаниясининг буюртмасига кўра "Ўзнефтгазқурилиш" бунёдкорлари 44 километрлик юқори босимли газ қувури ва Термиз шаҳрининг шимолий қисмида бир кеча-кундуз мобайнида 450-500 минг кубометр газни узатадиган янги тақсимлаш станциясини қуриб ишга туширишди. Агар пулга чақиладиган бўлса, 997 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди.**

**Термизликларнинг хурсандчилиги шунданки, янги тармоқ ва тақсимлаш станциясининг ишга туширилиши шаҳар ва туманда газ таъминотини тубдан яхшилашни кўзда тутади. Яна бир эътиборли жиҳати сўз ва иш бирлиги таъминланди. Дастур белгиланган вақтида бажарилди.**

**Сурхондарё вилояти,**
**"Туркистон-пресс"**

# “ҒУРБАТДА ҒАРИБ...”

***Бу рубоий - шоирнинг илк лирикаси маҳсули. У Навоий, тақдир тақозосига кўра, ҳозирги Эроннинг Машҳад шаҳрида – мусофирликда яшаган даврида (1457-1464) ёзилган.***

Рубоийда мусофирлик – бегона юртдаги Ватан ҳижронию соғинч оҳанги устувор:

Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш.
Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса,
Булбулға тикондек ошён бўлмас эмиш.

Ғурбат – мусофирлик, бегона юртда яшаш. Ғариб эса – ана шу бегона жойда яшаётган киши. Одам ўзга диёрда шодмон, яъни хушу хурсанд ҳаёт кечириши қийин. Биринчи мисра ана шу ўта табиий бир инсоний ҳолатни ифодалаб келаяпти.

Иккинчи сатрда бу фикр далил билан исботланади: шодмон бўлмасликка сабаб шуки, бегона юртнинг эли мусофир – нотаниш одамга шафқат қилмас ва меҳрибонлик кўрсатмас экан... Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл деган мақол ҳам маъносига кўра ана шу рубоий ғояси билан ҳамоҳанглик қилади. Бу ҳам юртпарварлик ғоясини халқимиз азал-азалдан юксак қадрлаб келганини кўрсатади.

Ғурбатнинг мусофирлик эканига далил шуки, шоир “Садди Искандарий” достонида:

Навоий, чу ғурбатда сен шод бўл!
Ватан ёди ранжидин озод бўл!- дейди.

Мусофирликда киши Ватанни ўйлайди, шод бўлолмайди. Лирик қаҳрамон шунинг учун ҳам Навоийга мурожаат қилиб, Ватан ёдини унутгину, мусофирликда шод бўл, деяпти.

Учинчи ва тўртинчи мисраларда дастлабки икки сатрда айтилган ялпи фикрнинг қиёсий исботи берилган. Булбул – далаю дашт, боғу бўстонда эркин учиб юрадиган қуш. Қафас унинг асл Ватани эмас. Қафасда у худди ўзга юртда яшаётган кишидек мусофир. Қафас олтиндан ясалсин, ичида қизил гул битсин – бу табиатан гул ошиғи бўлмиш булбулга сира-сира татимайди. Олтин қафас ичидаги қизил гулдан кўра унга, тиканли бўлса ҳам, ўз ошёни маъқул. Бу ерда шоир булбулнинг хас-хашаклар, яъни тикандан уя қуришини ҳам кўзда тутган.

Рубоийнинг охирги мисрасини: "Олтин қафас ичида қизил гул битса ҳам, булбулга бу қафас ошиён, яъни Ватан бўлолмайди, гул эса тикандек санчилади", деб тушуниш ҳам мумкин.

Қандай талқин қилинмасин, рубоийда Ватандан айрилиқ дарди қаламга олинган. Кейинги икки мисрада мавжуд булбул образи, хусусан, унинг қафасда экани кўпларга рубоийда озодлик руҳи ҳам бордек туюлади.

Мусофирлик мавзуси шоир ижодининг илк, жумладан, Машҳаддаги ҳаёти даврида ва ундан кейин Самарқанд ҳамда Астробод шаҳарларида кечган йиллари ёзилган, деб тахмин қилинадиган яна айрим рубоийларида ҳам давом эттирилади.

**АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 560 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН**

Қуш учун қафасдаги ҳар қандай гўзал ҳаётдан кўра, вайрона бўлса ҳам, тиканли ошёни минг чандон аъло экани ғоясини Навоий “Садди Искандарий” достонида эпик тасвирда ҳам талқин этади. Ундаги “Кабутар ҳикояти...”да айнан ана шу рубоийдаги фикр ёйиброқ баён этилади.

Эркин учиб юрган бир кабутар овга чиққан бир подшоҳнинг қопқонига тушиб, банди бўлади. Неча йиллар шоҳ уни бағоят безатилган қафасда сақлайди. Пайти келиб кабутар бу "зиндон"дан қочиш имконини топади. Шунда тинмай қанот қоқиб, ўз диёри сари парвоз этади. Ватан соғинчи билан неча кунлик йўлни бир дамда босиб ўтади.

Лекин, афсуски, ўтган ана шу йиллар ичида унинг уяси бузилиб кетган эди...

Кабутар учишдан тўхтамайди. Ўз томини излашда давом этади. Одамлар уни қўлга тушириш учун томларига сепиб қўйган донларга қиё ҳам боқмайди. Охири ўша уяси харобаларини топиб, хурсанд бўлганича ўша ерга қўнади. Вайрона бўлса ҳам ўз уйини унга бегона бўлган шоҳ қасридан афзал билади. Чунки, қуш учун тиканли ошён безатилган қафасдан минг чандон устун:

Ки: "Маънус эрур гарчи вайронадур,
Нетай шоҳ қасринки, бегонадур".
Эрур қушқа хушроқ, чу боқсанг, аён
Мурассаъ қафасдин тикон ошён.

Вайрона бўлса ҳам, ўз Ватанини гўзал ўзга юртдан устун кўриш ғояси бугун ҳам долзарб ҳисобланади.

Ҳар қандай бадиий асар каби, рубоийлар ҳам турлича тушунилиши ва ҳар хил талқин этилиши мумкин. Кўп маънолилик бадиий, хусусан, шеърий матннинг туб хусусияти – образлиликдан келиб чиқади. Шу маънода “Ғурбатда ғариб...” рубоийсининг таҳлил этганимиз ҳаётий мазмундан бошқа, айтиш мумкинки, тасаввуфий моҳияти ҳам бор.

Хўш, инсоннинг асл Ватани қаер?

Тасаввуфий ақидага кўра, асл Ватан – Аллоҳ даргоҳи. Инсон дунёга келгунига қадар Аллоҳ ҳузурида бўлади. Вафот этганидан кейин ҳам яна ана шу Эгаси бағрига қайтади. Шунинг учун ҳам инсоннинг бу дунёдаги ҳаёти моҳиятан – мусофирликдек гап. Ғариблик фалсафий-тасаввуфий тушунча сифатида инсоннинг тириклик чоғини билдиради. Умр кечириш эса фақат шодликдан иборат эмас. Лирик қаҳрамоннинг эл, яъни кишилардан меҳр-шафқат кўрганидан нолиши ҳам табиий. Замон аҳли бевафолигидан шикоят Навоий лирикасининг бош мавзуларидан бири ҳисобланишини биласиз. Тасаввуфий талқинга кўра, бу дунё - бир қафас. Қизил гул битган қафас булбулга ошён бўлолмагани каби, бу дунёдаги азоб-уқубатли ҳаёт ҳам инсонга Аллоҳ ҳузуридагидек Ватан бўла олмайди...

Мусофирлик кайфияти шоирга ана шундай бағоят ўзига хос бир рубоий битиш имконини берган.

Шу тариқа рубоийда мусофирлик ва зимдан бандиликда шоҳона ҳаёт кечиришдан она юртда ва озодликда ғарибона кун кўриш устун қўйилади.

Бунда Навоийнинг тўртгина мисрага ана шундай бой ҳаётий мазмунларни юклай олиш маҳорати намоён бўлган.

**Султонмурод ОЛИМ**



Сирлашув. У.ҚЎШВОҚОВ сурат-лавҳаси.

“УНИВЕРСИАДА — 2002”

## ”БУХОРО” ЗАМОНАВИЙ СТАДИОН БЎЛАДИ

***Маълумки, 2002 йил май ойида Бухорода мамлакат талабаларининг II универсиадаси ўтказилади. Унда 3 мингдан зиёд ёш спортчи қатнашади.***

Мусобақаларнинг тантанали очилиш ва ёпилиш маросимлари, асосий беллашувлар вилоятнинг бош стадиони-“Бухоро”да ўтказилади.

Шу муносабат билан вилоят ҳокимлигида стадионни катта спорт мусобақасига тайёрлашга бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Стадион ҳозирда 10-11 минг томошабинни сиғдира олса, қайта таъмирдан сўнг 30 минг кишини қабул қилади. Бу иншоот ҳар томонлама замонавий лойиҳалар асосида ва жаҳон андозаларига мос равишда қайта қурилади. Унинг қурилишига ҳисоб-китоблар бўйича 2,5 миллиард сўм маблағ талаб қилинади.

Йиғинда вилоят ҳокими С. Ҳусенов шулар ҳақида тўхталиб, стадионни Универсиадага ҳозирлашдек хайрли ишга ҳамма ўз ҳиссасини қўшиши кераклигини таъкидлаб, тегишли вазифаларни кўрсатиб ўтди.

**“Туркистон-пресс”**

# ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ЛУБНОНДА

**(Боши 1-бетда)**

Ражаб (ҳижрий қамарийнинг еттинчи) ойи бошланиши билан шаҳарнинг балоғат ёшидан ўтган барча аҳолиси “Саҳийҳ ал-Бухорий” китоби мутолаасига астойдил киришиб, Рамазон ойининг охирги жума кунида (яъни уч ой – ражаб, шаъбон, рамазон давомида мутолаа қилганларидан кейин) уни хатм қилиш билан якунлайдилар. “Саҳийҳ ал-Бухорий”ни хатми муносабати билан тантанали маросим ўтказилиб, унда Расулуллоҳ, у зоти шарифнинг халифалари, жаннатий бўлишлари башорат этилган қолган олти буюк сиймолар, сунний тўрттала мазҳабнинг асосчилари буюк имомлар сийратлари, дини исломнинг арконлари ҳақида маърузаю қасидалар ўқилади. Бу хурсандчиликлар жараёнида маросим иштирокчилари бир-бирларини қизғин олқишлайдилар, устларига рийҳаю атирлар, норонжали (померанцияли) сув ва муаттарлар сепиб, ўзларини хушбўй қиладилар.

“Саҳийҳ ал-Бухорий”ни хатм қилишнинг тарихи етти юз йилга яқин бўлиб, у Мамлуклар султони Ал-Ашраф Носируддин Шаъбон 2 - (у 1363-1376 йилларда ҳукмронлик қилган) асарни тўлиқ ўқиб, унинг хатм маросимини шодиёналик билан нишонлашни жорий қилган пайтдан буён давом этиб келади. Ўша даврдан бошлаб ислом давлатлари марказий шаҳарларининг ҳаммасида ушбу фавқулодда ажойиб таомил одат тусига кириб тўла-тўкис адо этиларди. Бироқ, замонлар ўтиши билан бу анъана деярли барча арабий ва исломий марказларда ҳар хил сабабларга кўра барҳам топиб унутилган бўлса-да, фақат яккаю ягона Тараблус шаҳрида сақланиб қолади. Чунки, “Саҳийҳ ал-Бухорий”нинг хатм маросими ҳар йили амир Тийнал масжидида Лубнон университети исломий қадриятлар факультетининг профессори доктор Муҳаммад ал-Хатийб бошчилигида тантанали равишда ўтказилади. Унда шаҳарнинг таниқли арбоблари ва машҳур шахслар Усмон ва аш-Шурбачий уруғларидан диний нашидаларни ижро этувчилар ҳам иштирок этадилар.

Доктор Муҳаммад ал-Хатийбнинг сўзича, Ражаб ойининг бошидан то Рамазон ойининг охирги жума кунигача “Саҳийҳ ал-Бухорий”нинг тўлиқ мутолаасидан кейин унинг хатм этилиш маросими бу азалий анъананинг гултожи ҳисобланади. Бу тақлийд (анъанавий одат) Мамлуклар (улар Миср ва Шомда 267 йил – (баҳрий мамлуклар 1250-1389 йиллар, буржий мамлуклар 1389-1517 йиллар) ҳукмронлик қилган пайтда жорий этилган бўлиб, бутун ислом оламида одат тусини олган. Дастлаб ушбу маросимни ўтказишда вақф ташкилотлари ҳомийлик қилиб, катта маблағлар ажратардилар. Тараблусда сақланиб қолган бу маросимни мамлуклар давридан сўнгги йилларгача ал-Ҳомидий ва аз-Зуъабий уруғлари ал-Аттор масжидида, ал-Хатийб уруғи эса Тийнал масжидида ўтказардилар. Аммо, марҳум Ҳасан Холид муфтийлик қилган даврда вақф ташкилотларининг бу йўналишдаги фаолияти ҳам, “Саҳийҳ ал-Бухорий”ни хатм қилувчи лавозим ҳам бекор қилинди. Шунга қарамасдан мен ўзим ота-боболарим ва аждодларим анъанасини давом эттириб, Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг ризолигига восил бўлиш ниятида бу эзгу ишни ҳеч қандай пул олмасдан давом эттиришга азму қарор қилдим. Сабабики, одамлар йилдан-йилга ушбу табаррук кунларни орзиқиб, интизорлик билан кутадилар. Чунки, бу маросим туфайли улар Имом ал-Бухорий ҳазратларининг башарият олдидаги беназир хизматларига тасаннолар айтиб, бу улуғ зотга камоли эҳтиромларини изҳор қиладилар. Маросим иштирокчиларининг афсонавий завқи-шавқларию ҳаддан ташқари шодликлари, ҳеч қандай таъриф-тавсифга сиғмайдиган чексиз севинчларию ҳаяжонли ҳис-туйғуларини тасвирлаб, сўз билан ифода қилишга тил ожизлик қилади.

Тараблус шаҳрида Имом ал-Бухорий курсиси (суянчиқли, кенг юмшоқ ўриндиқ) мавжуд бўлиб, у “Саҳийҳ ал-Бухорий”ни хатм қилиш маросими жорий қилиниши муносабати билан бундан 700 йил муқаддам махсус тайёрланган. Хатм маросими тантаналари пайтида бу курси йилида бир марта ташқарига олиб чиқилиб, қолган вақтда Тийнал масжидининг ичида сақланади", - деди доктор Муҳаммад ал-Хатийб ўз ҳикоясини тугатиб.

## БОШҚОТИРМА



**ЭНИГА:**
1.Ниҳоясига етиш, тугаш. (5)
48. Ўзбек тилидаги белги. (5)

**БЎЙИГА:**
19. Ток кучи бирлиги. (5)
24. Эртаклардаги малика. (5)

**ЎНГГА:**
1. Эрондаги шаҳар. (3)
2. Кўмак. (5)
3. Латвия пул бирлиги. (3)
4. Австралияда ўсувчи паст бўйли дарахт. (5)
6. Кишиларнинг юз тузилиши, рангини ажратувчи сўз.(3)
7. Қадимда Тошкент ҳудудида қишлоқ ҳокими. (5)
9. Миллий ўйин. (3)
10. Яқин туғишган. (3)
11. Дард, алам. (5)
13. Чолғу асбоби. (5)
14. Хон қароргоҳи. (3)
15. Сўз бирикмаси. (5)
17. Нил дарёсининг ирмоғи. (5)
18. Одам аъзосидан чиқадиган суюқлик. (3)
19. Қарор, шижоат. (3)
20. Қадимий давлат (юртимиз ҳудудида). (5)
22. Осиёдаги давлат. (5)
25. Юмшоқ, майин. (5)
26. Кўрсатиш олмоши. (3)
27. Аканинг укаси. (3)
28. Дурадгорлик асбоби. (5)
30. Кавказдаги дарё. (5)
32. Покистондаги қадимий ҳудуд. (5)
34. Европадаги шаҳар. (3)
37. Марокаш пойтахти. (5)
39. Адолат. (3)
40. Зиё, шуъла. (3)
41. Ислом динидаги мазҳаб. (5)
42. Касаллик. (3)
44. Текис. (5)
45. Дарахт. (3)
47. Тўйнинг акси. (3)

**ЧАПГА:**
1.Муғомбир жонивор. (5)
2.Металл. (3)
4.Савдо... (5)
5.Қимматбаҳо тош. (3)
6.Осиёдаги дарё. (3)
8. Кимёвий элемент. (5)
9.Танаси қаттиқ дарахт. (3)
10.Грециядаги ярим орол. (5)
12.Марказий Австралиядаги қабила. (5)
13.Европадаги тил. (3)
15.Ток сўриси. (5)
17. Кўр. (5)
18.Бадиий асар бўлими. (3)
21.Куннинг таркибий қисми. (5)
23.Жанубий Осиёдаги давлат. (5)
24.Юз, чеҳра. (3)
25.Амир сўзининг қисқартмаси. (3)
26.Равшан достонидаги қаҳрамон. (5)
27.Тўда, пода. (3)
28.Ўпка сўзининг арабча шакли. (3)
30.Қадимий мато тури. (5)
31.Йирик қуш. (5)
33.Дуккакли экин. (3)
35.Бош кийим. (5)
36.Инсон организмининг ҳимоя воситаси. (3)
38.Балқон ярим оролидаги халқ. (5)
41.Қоракўл тери. (3)
42.Бир кун тенг... (5)
43.Ҳайрон қолиш. (3)
46.Кемирувчи ҳайвон. (5)
47.Япониянинг қадимий маҳаллий аҳолиси. (3)
48.Тур, хил. (3)

**Тузувчи: Ў.СУЛТОНОВ.**

**ГАЗЕТАНИНГ 2001 ЙИЛ 1 ЯНВАР СОНИДА БЕРИЛГАН БОШҚОТИРМАНИНГ ЖАВОБИ:**

**ЭНИГА:**
1. Йил. 5. Микроскоп. 7. Бўзсув. 8. Лоиш. 9. Шар. 11. Чортоқ. 12. Бирлик. 15. Намоз. 16. Муҳим. 18. Линда. 19. Насаф. 21. Тиртиқ. 23. Такбир. 25. Малина. 27. Наштар. 29. Қабристон. 31. Имо.

**БЎЙИГА:**
2. Иймон. 3. Макруҳ. 4.Микроб. 5. Музроб. 6. Пушкин. 7. Биродарим. 10. Гулчамбар. 13. Расул. 14. Золим. 17. Али. 20. Уфқ. 22. Пишлоқ. 24. Шайтон. 26. Инобат. 28. Тартиб. 30. Билим. 22. Сутли маҳсулот. 24. Иблис. 26. Аёллар исми. 28. Одоб-интизом. 30. Одамдан юқори туракан олам... Оширмоққа муҳтождир одам. (Рудакий).

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туманидаги “Панди” фирмаси тугатилади. Даъволар эълон босилган кундан бошлаб икки ой давомида қабул қилинади.
Телефон: 46-29-28.

“Кимёқишлоқмаш” очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти тақдим этади
Ўзбекистон ва Италия давлатлари ҳамкорлигида ишлаб чиқарилган “Сульфатор” пуркагичи
Пуркагич техника ва полиз экинлари, боғ ва токзорларни зарарли ҳашаротлардан сақлашда уларга кимёвий препаратлар билан ишлов беришга мослашган.
Заҳарли химикатларни кукунли ҳолда пуркаш ҳам мумкин.
У энг қулай ва замонавий ускуна ҳисобланади.



Мухтарам фермерлар, хўжалик ва ташкилот раҳбарлари!
“Кимёқишлоқмаш” агрегатларидан фойдаланинг!
Арзон нархлар, сифатли ускуналар!



Вентиляторли ОВХ - 600 пуркагичи
Пуркагич пахта майдонларини дефолиация қилишга мослашган.
Ундан йўл четларидаги ўт-ўланларни, бутазор ва дарахтларни дорилашда ҳам фойдаланилади.
ОВХ-600 агрегати МТЗ-80Х, Т-28Х4М, ТТЗ-100К11 тракторларига тақиб ишлатилади.
ОВХ-600 агрегатининг бак сиғими 630 литр.
Ташриф буюринг ёки қўнғироқ қилинг: Тошкент ш., Т.Шевченко кўчаси, 54. Тел. 56-58-37, Факс: 55-68-11

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Туроб ХОЛТОЕВ, Азимжон АЮПОВ, Абдурашид БОБОМИРЗАЕВ, Искандар ҚАЛАНДАРОВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Икромхон НАЖМИДДИНОВ, Бахтиёр ОЛИМЖОНОВ, Комилжон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ (бош муҳаррир ўринбосари), Ҳабиб ТЕМИРОВ (бош муҳаррир биринчи ўринбосари),Ғафур ШЕРМУҲАММАД (масъул котиб), Шамсиддин ЭСОНБОЕВ.

МУАССИСЛАР: *Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, “Ўздонмаҳсулот” корпорацияси, “Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг” компанияси, “Ўзпахтасаноатсотиш”, “Ўзбекипаги”, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмалари, Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси*

Телефонлар: Қабулхона - 133-09-93 - 133-40-87 (факс), бош муҳаррир ўринбосарлари — 133-16-27, 133-44-43, котибият — 136-56-26. Ижодий гуруҳлар: 136-56-21, 136-56-25, 136-54-42, реклама ва эълонлар— 136-56-30.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-519-58; Андижон - 8-374-2-25-32-23; Бухоро - 8-365-22-648-22; Жиззах - 8-372-33-553-59; Навоий - 8-436-22-588-56; Наманган, Фарғона - 8-369-22-652-10; Самарқанд - 8-366-64-615-37; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Тошкент, Сирдарё - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-640-80; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32
Газета сешанба, пайшанба, жума кунлари чиқади

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Газетамиздан мақолалар кўчириб босилганда «Қишлоқ ҳаёти»дан олинди деб кўрсатилсин.
Навбатчи: М.ЖОНИХОНОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 00006. Буюртма Г— 2008, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 1 2 3 3 4 6.